

Маккажўхори ўсимлигини зараркунандалардан ҳимоя қилишнинг биологик усули

Ф.Э.Юлдашев

Андижон давлат унверситети, Андижон

Маккажўхори муҳим ем хашак ва озуқабоп экин сифатида Ўзбекистоннинг кенг майдонларида экиб келинмоқда. Ҳозирги даврга келиб юқори ҳосил олишнинг муҳим манбаларидан бири зараркунандаларга қарши кураш биологик усулни қўллашнинг самарали муддатларини белгилаш ва уларга қарши илмий асосланган самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқотлар асосан Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги “Анор” фермер хўжалигида олиб борилди. Ишда умумий энтомологияга оид, ўсимликларни ҳимоя қилишга бағишланган услублардан (Мурадов, 1986; Ходжаев., Адашкевич, 1984; Хўжаев, 2004) фойдаланилди.

Маккажўхори муҳим ем хашак ва озуқабоп экин сифатида Ўзбекистоннинг кенг майдонларида экиб келинмоқда. Ҳозирги даврга келиб юқори ҳосил олишнинг муҳим манбаларидан бири зараркунандаларга қарши кураш биологик усулни қўллашнинг самарали муддатларини белгилаш ва уларга қарши илмий асосланган самарали усулларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда маккажўхори зараркунандаларига қарши ҳимоя қилиш тизими амалга оширилмаганлиги сабабли бу экинлардан олиниши мумкин бўлган ҳосилнинг кўп қисми (50-70 %) нобуд бўлмоқда.

Маккажўхорининг зараркунандалари ичида, энг ашаддийлари: маккажўхори поя парвонаси (*Ostrinia nubilalis* Hb.), жўхори тунлами ёки леукани тунламлари (*Sesamia cretica* Lod., *Ciriphis (Leucania) loreyi* Dup.,

Mythimna vitellina Hb.) ҳамда ғўза тунлами (*Helicoverpa armigera* Hb.) кабилар ҳисобланади.

Бу борада, кечки муддатларда (анғизга) экилган маккажўхорларни ҳимоя қилиш тадбирлари олиб борилмаётганлиги сабабли, дон ҳосилига жиддий зиён етмоқда ва ушбу майдонларда келгуси йили ғўза экилиши натижасида зараркунандалар заҳирасини пайдо бўлишига олиб келмоқда.

Донга мўлжалланган маккажўхорини леукани тунлами, маккажўхори поя парвонаси ҳамда ғўза тунламидан ҳимоя қилишнинг биологик усули синаб кўрилди, бунда тунламларнинг тухумига трихограмма (*Trichogramma. pintoï*) ва қуртига қарши бракон (*Bracon hebetor*) кушандаларидан фойдаланилди.

2013-2014 й.й Андижон ҳудудида ўтказилган тажрибаларимизда трихограмманинг – *T.pintoï* тури ва қуртларига қарши бракон (*Bracon hebetor*) кушандалари тарқатилиб маккажўхорининг кемирувчи зараркунандаларига қарши 14 кун мобайнида қўйдагича самара олинди:

Дон учун экилган кечки маккажўхорини зараркунандалардан биологик усул ёрдамида ҳимоя қилиш самарадорлиги.

№	Вариантлар	Биологик самарадорлик кунлар бўйича:			
		3	7	11	14
1.	4 марта фақат трихограмма тарқатилган (2 г/га)	24,3	28,9	35,4	47,3
2.	3 марта фақат бракон тарқатилган (400-800-1000 дона/га) тарқатилган.	11,4	35,4	44,7	54,2
3.	4 марта трихограмма (2 г/га) ҳамда 3 марта бракон (400-800-1000 дона/га) тарқатилган	28,9	44,5	56,4	61,7
4.	Назорат (кушандасиз)	Ҳар 100 ўсимликда нечта қурт мавжуд, дона			
		7,2	14,3	37,2	26,1

Жадвалдан кўриниб тургандек, фақат трихограммани (феромон тутқичлар кўрсатмасига асосан), бракон билан кетма-кет тарқатилгандагина, энг юқори натижага эришиш мумкин. Кушанда кетма – кет тарқатилганда 14

- нчи кунга бориб энг юқори самарадорлик 61,7 % ташкил этди. Фақат трихограмма 4 марта тақатилганда 47,3 % дан ошиқ самара кузатилмади. Кемирувчи тунламларнинг зичли отиқча юқори бўлганда биоусул етарлича кониқарли бўлмаслиги мумкин.

Далада зараркунандаларнинг сони кам бўлганда биологик усулдан фойдаланиш тавсия этилиб, трихограмма ва бракон биргаликда навбатма - навбат қўлланилганда яхши самарага эришилади. Зараркунандалар сони юқори бўлганда эса истикболли инсектицидлар (*каратэ* – 0,5 л/га, *нурелл-Д* – 1,5 л/га, *циперметрин* – 0,3 л/га, *дельтафос* – 1,0 л/га) ташқари, янги (*аваунт* – 0,4-0,45 л/га, *ланнейт* – 2-2,5 л/га, *суррендер* – 0,35 л/га) қўлланилиши тавсия этилади.

Адабиётлар.

1. Мурадов С.А. Умумий энтомология курси. – Тошкент: “Мехнат”, 1986. – 271 б.
2. Методические указания по применению феромонов для определения сроков выпуска трихограммы в целях борьбы с хлопковой совкой на посевах хлопчатника, кукурузы и томатов / Сос. Ходжаев Ш.Т., Адашкевич Б.П., Хакимов А. и др. Тошкент, 1984.-5 с.
3. Хўжаев Ш.Т. Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар (II-нашр). – Тошкент, 2004. – 103 б.
4. Хўжаев Ш.Т., Юлдошев Ф.Э., Обиджанов Д.А. ва б. Ғалладан кейин экиладиган ўриндош экинларни зараркунандалардан химоя қилиш бўйича тавсиялар. – Тошкент, 2014. – 90 б.